

■ 2015 йил —
КЕКСАЛАРНИ
ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

■ Саккиз нафар ўғил-қизни оқ ювиб, оқ тараган, эл-юрт қорига ярайдиган фарзанд этиб тарбиялаган пиру бадавлат отахонлардан бири 94 ёшли Мадали Эшонқулов Фарғона шаҳридаги «Янгисой» маҳалласида яшайди. Яқинда ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши фаоллари, депутатлар ва ёшлар Мадали ота қаби ўнлаб кексаларнинг хонадонларида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олишди.

Ибрат мактаби

— Сизнинг ҳаёт йўлингиз биз учун ибрат мактабидир, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти вакили, ЎзХДП аъзоси Ойбек Йўлдошев Мадали Эшонқуловнинг суҳбатини тинглар экан. — Партиямизнинг ёш вакилларида тузилган кичик гуруҳ энди ҳар доим сиздан хабар олиб, уй юмушларига ёрдамлашади. Уларга бемалол суянишингиз, ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

Мадали Эшонқулов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Ғалабадан сўнг узоқ йиллар ҳалол ва фидойилик билан меҳнат қилди. Мана энди фарзанд, набира, эваралар бағрида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

— Тилгаим ҳам, талабим ҳам битта: тинч-фаровон ҳаётнинг қадрига етинлар. Ватанинг фидойи ўғил-қизи бўлиб, унга хизмат қилинлар, — дейди отахон.

Шу қаби мароқли суҳбатлар «Темирйўлчи» маҳалласида яшовчи 96 ёшли Тўхтасин ота Усмонов хонадониди ҳам давом этди. Партия вилоят кенгаши вакиллари Тўхтасин отага совғасом улашиб, бу хонадон ҳам ҳар доим келиб, ҳол-аҳвол сўраб турадиган бўлдилар.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури асосида ЎзХДПнинг барча шаҳар ва туман кенгашлари жойларда кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, яқинда Фарғона шаҳридаги Саҳоват уйида «Кексаларимиз доимо эъзозда» мавзусида тадбир уюштирилди.

— Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангтоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енган момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш миллий қадриятга, айтиш керакки, ҳар биримизнинг қалб амримизга айланди, — дейди ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилбархон Мамажонова учрашув чоғида. — Кексаларимиз ҳамisha биздан меҳр ва эътибор кутиди, биз ҳам уларнинг ибратли ҳикояларидан кўп нарса ўрганамиз. Шундай экан, бундай учрашувларни ҳар доим ўтказиб туришимиз керак.

Тадбирда вилоят Кенгаши депутатлари ҳомийлигида байрам дастурхони безатилиб, уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

— Биздан кўнгли сўраб келган ЎзХДП фаолларига миннатдорлик билдирамиз, — дейди Саҳоват уйидаги тадбир чоғида 96 ёшли Елена Петрова. — Деярли ҳар кун кимдир эшигимизни тақиллатиб келади. Хабар олувчиларнинг юз-кўзидаги меҳр, самимиятни кўриб дилим ёришади...

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

! АСОСИЙ МАҚСАД — ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ҲИМОЯСИ

Тарғибот таҳлилга асослансагина самаралидир



Маълумки, фуқароларда ҳуқуқий билим ва фаоллик кучайса, жамиятда қонун устуворлигига ҳурмат юксалади, сиёсий партиялар дастурий мақсадларига етиши учун янада қулай шароит юзага келади. Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, «Фаол аёллар» қаноти хотин-қизларнинг қонунлардан хабардорлигини ошириш мақсадида йил давомида қонунлар тарғиботи ойкиликлари ўтказмоқда. Жорий йил апрель ойи давомида кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга оид қонун ҳужжатлари тарғиботи олиб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, «Фаол аёллар» қаноти аъзолари мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга енгиллик ва имтиёзлар яратиш билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни кенг ўрганиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Тарғибот ойкилиги тадбирларида кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани хусусида тушун-

тириш ишлари олиб берилди. Хотин-қизлар билан жонли ва юзмаюз мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилди. Кекса ёшдаги ёлғизлар билан учрашиб, самимий мулоқотлар ўтказилди, уларга яратилган имтиёزلардан қандай фойдаланиш масалалари ҳақида маслаҳатлар берилди. Мулоқотлар давомида 6000 нафардан ортиқ кекса онахон ва хотин-қизлар қамраб олинди.

Айтиш керакки, тадбирларда туман, шаҳар «Фаол аёллар» қаноти бўлимлари атрофида бирлашган турли соҳалардаги фаол хотин-қизларнинг салоҳияти, бошланғич ташкилотлар имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланилди. Фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Энг муҳими, бу тадбирларимиз ўз амалий натижасини кўрсатди.

Тарғибот ойкилиги доирасида фақат қонунларни тушунириш билан чекланиб қолганимиз йўқ. Чунки тарғибот қуруқ сўз билан эмас, балки таҳлил, ҳаётий мисоллар ва қонунлар ижросига нисбатан нукта назарини фойда этиш билан самаралидир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ойкили доирасида ўтказилган уч-

ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ
ОЙЛИКЛАРИНИ
ЎТКАЗИШДАН АСОСИЙ
МАҚСАД ЭЛЕКТОРАТ
ВАКИЛЛАРИ ҲУҚУҚИЙ
БИЛИМИНИ ОШИРИШ,
УЛАРНИ ТАШВИШ-
ЛАНТИРАЁТГАН
МУАММОЛАРНИ
АНИҚЛАШДАН ИБОРАТ.

рашувлар, мулоқотлар жараёнида кексаларни қўллаб-қувватлашга оид қонун ёки ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросига ҳам эътибор қаратилди. Бу борада тадбирлар иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган депутатлар эса фуқаролар, электротрат вакиллари муножаатлари асосида мутаассадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборадиган бўлди.

Аҳамиятлиси, тарғибот тадбирлари доирасидаги учрашув ва давра суҳбатларида кўтарилган масалалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар депутатларнинг ташаббускорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Мисол учун, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги асосий йўл четида пиёдалар йўлакчасини қуриш масаласи халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия йўлигишида, Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида ногирон болаларнинг яқка тартибда таълим олишларида таълим сифатини янада ошириш масаласи эса сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

Назира МАТЯҚУБОВА,
ЎзХДП фаоли.

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Жиззах вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган ўқув-семинарда бу фикр алоҳида таъкидланди. Унда партия фаоллари, депутатлар ва тарғиботчилар иштирок этди.

Партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамкорлигини кучайтириш

дастурий мақсадларимизни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади



Дастлаб ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Алишер Раҳманов маҳаллий Кенгашлардаги партиянинг гуруҳлари, маҳаллий партия ташкилотлари олдига турган муҳим вазифалар ва уларни амалга ошириш масалаларида сўз юритди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиянинг гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Хабарингиз бор, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиянинг фракцияси парламентдаги кўпчилиكنи ташкил этувчи демократик кучлар блогига ўзини муҳолифат, деб эълон қилди, — деди у. — Бу, ўз навбатида, депутатларимиз, фаолларимиз, партиянинг ҳар бир аъзосидан катта масъулиятни талаб этади. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, жамиятда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалаларида партиянинг фаолиятини янада кучайтириш керак.

Одатда, партиямиз электротратини ўйлан-тираётган масалалар, катта-кичик муаммолар асосан қуйида яққолроқ кўринади. Бу эса партиянинг бошланғич ташкилотлари, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги депутатларимиздан ҳар қачонгидан кўра фаолроқ, ташаббускорроқ бўлиши тақозо этади. Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган муножаатларни олиб кўрайлик. Уларни таҳлил этиш, ҳал қилиш жараёнида турли даражадаги депутатларимиз ҳамкорлиги қўл келади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Хидир Шукуров, ЎзХДП Зафаробод туман кенгаши раиси Холмурод Ережонов маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз қандай бўлиши кераклиги, депутат сўрови, депутат назоратидан фойдаланиш ваколатлари ва имкониятлари ҳақида фикр юритишди.

ЎзХДП Зомин туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Назира Ўрозалиева партия фаолиятини янада такомиллаштиришга доир тақлифлар, ташаббуслар кўпроқ қуйидан чиқса, бунда маҳаллий Кенгашлар, бошланғич ташкилотлар, партия аъзолари фаоллик кўрсатса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Тадбир сўнггида ўқув-семинар иштирокчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда интер-фаол машғулотларда иштирок этиши ва маҳаллий Кенгашлар, партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан тақлифлар беришди, шу асосда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Иш ўрни яратиш бўйича ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда

■ Республика Марказий банки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази ҳамкорлигида Миллий матбуот марказида «Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари яратишда банк тизимининг ўрни» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Таъкидланишича, сўнгги 10 йил мобайнида республикаимизда тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 21 баробарга, микрокредитлар ҳажми эса 42 баробарга ўсган. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми 2,8 триллион сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фоиз кўпдир. Микрокредитлар ҳажми эса ўшбу муддатда 1,3 баробарга ошиб, 591 миллиард сўмни ташкил қилган.

— Марказимиз томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида банк тизимидаги ислохотлар ҳамда банк хизматлари кўрсатиш сифати бўйича сўровлар ўтказилди, — дейди «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори ўринбосари Ўткир Қаюмов. — Ўшбу



Матбуот анжуманида Республика Марказий банки билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамкорлигида ўз бизнесини йўлга қўйиш истагиди юрган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Унга кўра ҳудудларда 100 дан зиёд амалий учрашувлар ўтказилган. Қишлоқ жойларида яшаётган аҳолига тижорат банклари томонидан 18 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилган. Бизнес лойиҳалар амалга ошириш натижасида 5000 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

— Мамлакатимиз банк тизими ўзининг иш фаолиятини тубдан ўзгартириб, такомиллашиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Бугун-

ги кунда банк мутасаддилари жойларда, халқ орасида, қишлоқларга бориб, аҳоли билан мулоқотлар, учрашувлар ўтказмоқда. Кредитлашнинг тартиб-тамоийллари соддалашгани, йиллик фоиз ставкалари қулай белгилангани юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.



Жорий йилда ҳам мамлакатимизда ҳар бир оила фаровонлигини таъминлаш, айниқса, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида банк тизимида қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда. Асосий эътибор касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга, оилавий тадбиркорлигини ривожлантиришга, хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилмоқда.

Хусусан, бу йил касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга 250,0 миллиард, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 1 триллион ҳамда оилавий тадбиркорлигини ривожлантиришга 200 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎзХДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН БИРГА «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗДИ. УНДА ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЖРИБАЛАРИ, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДАГИ ИШТИРОКИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.



■ ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ДЕНОВ ТУМАН БЎЛИМИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРИК-ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА 7 НАФАР ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗ БЕШТА ШАРТ БЎЙИЧА ЎЗАРО БЕЛЛАШДИ.



